

УДК 658.677.004.21

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА СОЛИҚ СИЁСАТИ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

и.ф.н., доц. С.Н.Юлдашев, кат. ўқит. Ф.П.Азимова, талаба Ш.Н.Шерова
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мақолада бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг бюджет-солик сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солиш борасидаги тажрибалари ўрганилган.

В статье изучены опыт стран с развитой рыночной экономикой в области регулирования экономики посредством бюджетно-налоговой политикой.

The article examines the experience of countries with developed market economies in the regulation of the economy through fiscal policy.

Турли мамлакатларда, ҳатто бир хил иқтисодий ривожланиши шароитларига эга бўлган мамлакатларда ҳам иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш даражаси турлича. Давлатнинг кўпроқ таъсири Швецияда ўринли, Германия ва Япония ҳамда АҚШ да давлат тартибга солиши кам даражада аҳамиятлидир [1]. Соликлар айни вактда иқтисодиётга таъсир кўрсатиш молиявий-иктисодий тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим унсурларидан бири сифатида чиқади. Шуни айтиш жоизки, мамлакат солик тизимини яратиш орқали давлат ундан маълум молиявий сиёсат мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қиласди. Натижада нисбатан мустақил йўналиш – солик сиёсати юзага келади.

Солик сиёсати давлат, жамият алоҳида ижтимоий гурухлари молиявий эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида мамлакат солик тизимини шакллантириш бўйича давлатнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий чора-тадбирлари мажмунини ўзида мужассамлаштиради. Бу фаолиятида давлат соликларга хос вазифаларга таянади ва бу вазифалардан фаол солик сиёсати олиб боришида фойдаланади.

Солик сиёсати соҳасидаги қарор аниқ вариантини танлашга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади [2]:

- ишлаб чиқаришнинг ўсиш (пасайиш) суръатлари билан тавсифланадиган мамлакатдаги умумий иқтисодий вазият;
- инфляция даражаси;
- давлатнинг кредит-пул сиёсати.

Солик сиёсатининг мақсади қатор омиллар таъсирида шаклланниб, улардан энг муҳими мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий вазият, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий кучларнинг ҳолати ҳисобланади. Ҳозирги шароитда бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар қуйидаги муҳим мақсадларга эришиш учун солик сиёсатини амалга оширмокда [3]:

- хўжалик фаолиятини рағбатлантириш ёки чеклашга қаратилган иқтисодиётни тартибга солишда ҳамда ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда давлатнинг иштирок этиши;
- барча ҳокимият даражаларида иқтисодий ва ижтимоий сиёсат олиб бориш ҳамда тегишли ҳокимият ва бошқарув органларига юқлатилган вазифаларнинг бажарилиши учун етарли молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- даромадларни тартибга солиш давлат сиёсатини амалга ошириш.

Солик сиёсатини шакллантириш асосида иккита ўзаро боғлик услубий шарт-шароит ётади:

- турли даражалардаги бюджетларнинг даромад қисмини шакллантириш ва давлат фискал вазифаларини ҳал килиш учун солик тўловларидан фойдаланиш;
- иқтисодий фаолиятни билвосита тартибга солиш усули сифатида солик воситасини қўллаш.

Ушбу тамоилларни амалга ошириш бўйича амалий фаолият охир-оқибат мамлакатнинг асосий муаммоси бўлган иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Солик сиёсатини амалга ошириш усуллари бу сиёсатни олиб бориш орқали давлат эришишга уринаётган мақсадларга боғлиқдир. Ҳозирги замон жаҳон амалиётида қўйидаги усуллар кўпроқ тарқалди [4]:

- а) солик тўловчига солик юкламасини ўзгартириш;
- б) соликка тортиш бир шакл ёки усулларини бошқаси билан алмаштириш;
- в) у ёки бу соликларнинг тарқалиш соҳаси ёки бутун соликка тортиш тизимини ўзгартириш;
- г) солик имтиёzlари ва преференцияларини киритиш ёки бекор қилиш;
- д) солик ставкаларининг табакалашган тизимини киритиш.

Солик сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солища давлатнинг иштирок этиши солик ставкаси, солик имтиёзи, солик базаси ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади. Бунда давлат ҳам бевосита, ҳам билвосита солик воситаларидан фойдаланади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда мустақил солик сиёсати ишлаб чиқилди, унинг тактика ва стратегияси аниқланиб, изчилик тақомиллаштириб борилмоқда. Биринчи Президентимиз томонидан миллий солик сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди, унинг асосий мақсади солик тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашга қаратилган. Бундай уйғунликни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири солик юкини оптимал белгилаш ва шу тарика давлат бюджетини керакли микдорда молиявий ресурслар билан таъминлаш билан бир қаторда, солик тўловчилар зиммасидаги солик мажбуриятлари уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмаслигига эришишдан иборат.

Охирги йилларда кичик бизнес субъектлари учун ягона солик тўлови ставкаси йил сайин камайиб бориши кутилмоқда. 2015 йил учун белгиланган 1996 йилга нисбатан 7,6 марта, 2000 йилга нисбатан 6 марта, 2005 йилга нисбатан эса 3 марта га қисқартирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солик тўлови ставкаси

Йиллар	1996	2000	2005	2009	2010	2011	2012	2015
Ягона солик тўлови ставкаси	38	31	15	8	7	6	5	5

Солик юки даражаси мамлакатимизда изчилик билан камайтириб борилди. Агар ушбу кўрсаткич 2002 йилда ЯИМ га нисбатан (мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган холда) 27,9% ни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб, тўрт ф.б.га (23,2%), 2011 йилда эса 6 ф.б.га камайди ва ЯИМ га нисбатан 21,9% ни ташкил этди [5]. 2015 йилда эса 20,5% ни ташкил этмоқда.

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, аксарият ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатларда солик юки даражаси 29-50% ни ташкил этаётганини қўриш мумкин.

2-жадвал

Жаҳондаги айрим давлатларда ўртача солик юки даражаси (ЯИМ га нисбатан, фоизда)

Мамлакатлар	Солик юки даражаси
АҚШ	29
Эстония	29,4
Болгария	29,4
Греция	29,8
Россия	30,
Латвия	30,5
ИХРТ га аъзо давлатлар	37
Финландия	43,1
Италия	43,6
Швеция	46,7
Дания	48,3

Хусусан, энг ривожланган давлатлар хисобланган АҚШ, Италия ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) га аъзо аксарият Европа иттифоқи давлатларида солик юкини даражаси республикамиздаги даражадан анча юқори. Ҳозирги қунда Италия, Греция, Исландия давлатларида бюджет тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўли сифатида солик юкини оширишга оид таклифларнинг ушбу давлатларнинг парламентлари томонидан маъқуллангани жаҳон бозори конъюнктурасига жиддий таъсир этиши башорат қилинмоқда.

Солик юкини оптималлаштириш муаммосини ҳал қилиш бошқа икки иқтисодий муаммони ҳал қилишга боғлиқ бўлади:

- биринчидан, солик юкининг иқтисодиётдаги рационал даражасини белгилаш;
- иккинчидан эса давлат бюджети харажатларининг рационал даражасини аниқлаш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тўғри бюджет сиёсати солик сиёсатининг муваффакият манбаидир. Чунки, бюджет ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва уларни иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга йўналтириш муҳим. Бу борада бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг тажрибасини чуқур тадқиқ этиш ва ижобий жиҳатлардан фойдаланиш, максадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси ВМ нинг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маъruzасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2012.
2. Л.В. Дуканич. Налоги и налогообложение. Серия «Учебники, учебные пособия». Ростов-на-Дону: «Феникс», 2000.
3. Р.Л. Дернберг. Международное налогообложение / Пер. с англ. - М., 1997.
4. В.Г. Князев. Тенденции развития налоговых систем зарубежных стран // Налоговый вестник. - 1998. - № 9.
5. В.Г. Князев. Налогообложение в США / В.Г. Князев, Б.В. Попов //Финансы. - 2003. - № 8.